

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Тошкент Давлат аграр университети



“Агрокимё ва тупроқшунослик” кафедраси

“Агрокимёвий текшириш усуллари” фанидан
амалий машғулотлари бўйича услубий қўлланма

Тошкент – 2010

Тузувчилар:

Раджабов Б.Б.	Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси доценти, к/х ф.н.
Асқарова З.Ш.	Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси доценти, к/х ф.н.
Халикова Д.С.	Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси ассистенти.

Тақризчилар:

Байбаев С	–Республика агрокимё лойиҳа- қидириув станциясининг етакчи илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.
Каримов М.У.	–Тошкент Давлат Аграр Университети доценти, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

К И Р И Ш

Экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда маҳаллий ва минерал ўғитларнинг аҳамияти катта. Ҳозирги Ўзбекистон худудида агрономик кимёнинг илк кўринишлари қадимий дехқончилик давридаёқ намоён бўлган бўлсада (масалан, аждодларимиз тупроқ унумдорлигини ошириш учун турли – туман гўнглар, қўхна девор қолдиқлари ва чучук сув ҳавзалари, лойқалардан унумли фойдаланганлар), Марказий Осиёга минерал ўғитлар биринчи марта йигирманчи асрнинг бошларида, аникрофи 1906 йилда келтирилган. Экинларга минерал ўғитларни қўллаш борасидаги илк тажрибалар Р.Р.Шредер, М.М.Бушуев, И.К.Негодновлар томонидан амалга оширилган. 1906 – 1928 йиллар ичida 121 та дала тажрибалари йўлга қўйилган.

Пахтачиликда ўғит қўллаш масалаларини ҳал қилишда ўғит бўйича илмий – тадқиқот институти ва Бутиниттифоқ пахтачилик илмий – тадқиқот институти (СОЮЗНИХИ) нинг очилиши муҳим ўрин тутди. Мазкур икки илмий маскада Марказий Осиёнинг пахтачилик минтақасида тарқалган барча тупроқларда ўғитлар билан амалга ошириладиган тажрибалар йўлга қўйилди. Бу ишларнинг натажасида ўлароқ, Ўзбекистонда асосан пахтачиликда қўллаш учун, кўп микдорда минерал ўғитлар келтирилди.

Сугориладиган дехқончилик шароитида тажриба ишларининг ривожланишига Л.И.Голдковский, В.И.Цивинский, Д.В.Харьков, С.А.Кудрин, Б.П.Мачигин, Н.К.Балябо, И.И.Мадраимов, М.А.Белоусов, П.В.Протасов, Т.П.Пирахунов, Ж.С.Саттаров, Б.И.Исаев ва бошқа тадқиқотчилар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Услубиёт бирлигини таъминлаш мақсадида Бутиниттифоқ пахтачилик институтининг раҳбарияти қишлоқ хўжалиги соҳасидаги етук мутахасисларнинг бир гуруҳига тажриба ишлари услубиётини яратишни топширди. Шу даврларда яратила бошлаган услубият даврлар ўтиши билан бойиб, такомиллашиб ҳозирги мукаммал кўринишга келди.

Маълумки, Ўзбекистон республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида” ги қонунида фан, ишлаб чиқариш ва таълим тизимини интеграциялашга алоҳида эътибор қаратилган ва бу жараённининг етук мутахасисларни тайёрлашдаги аҳамияти асослаб берилган.

Университетлар ва аграр университетларда тайёрланаётган агрокимёгар – тупроқшунослар ўғитга бўлган талабини ўрганиш билан шуғулланадилар. Шу сабабдан улар дала, вегетация ва лизиметр шароитларида ўтказиладиган тажрибалар бўйича етарли маълумотга эга бўлмоқликлари лозим. Ўқув режаларига шу йўналишда маҳсус фанлар киритилган бўлиб, талабаларга тажрибаларни ўтказиш услублари ўргатилади.

Агрокимёвий изланиш усуллари фанидан тушунча

Агрокимё фани қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда ўсимлик, тупроқ ва ўғит ўртасидаги муносабатларни ўргатадиган фан. У ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни ҳал қилишда қўйидаги муаммолар устида иш олиб боради:

- ўсимликларнинг минерал озиқланиши механизмини ўрганади;
- тупроқлар унумдорлигини ўзгариб боришини аниқлайди;
- дехқончиликда озиқ моддалар айланишини ўрганади;

- ўғитлардан оқилона фойдаланиш йўлларини белгилайди.

Ўғитлар ва бошқа кимёвий воситаларни экология, инсон саломатлиги, маҳсулотлар сифатига таъсирини аниқлайди.

Айни масалаларни ҳал қилишда агрокимё фани биология, физика, кимё, математика каби аниқ фанларга суюнгани ҳолда, ўзининг маҳсус тадқиқот усувларидан фойдаланади.

Агрокимёвий тадқиқотлар кўйилган мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда лаборатория, вегетация, лизиметр ва дала тажрибалари кўриниши амалга оширилади.

Умуман олганда хар қандай илмий- изланишлар назарий йўл билан ёки эксперимент шаклда амалга оширилади. Агрокимё фанидаги ўрганиладиган муаммоларнинг турли-туман ва мураккаб бўлиши назарий тушунчалар ва экспериментлар ўртасида кескин чегара кўйишни қийинлаштириб ёки ажратиб, яккалаб ўрганиб бўлмайди.

Агрокимёвий тадқиқотларда назарий фикр ва мулоҳазалар кузатиш ва тажрибалар учун асос бўлиши билан бир қаторда, экспериментларнинг натижаларини умумлаштириш, назариянинг ривожланишига туртки бўлади.


Агрокимё фани муайян муаммонинг назарий асосларини ишлаб чиқиша илмий тадқиқотларнинг кузатиш ва тажриба каби кўринишларидан кенг фойдаланади.

Кузатииш- ходисанинг(масалан, ўсимликларнинг ривожланиши, иқлим элементларидағи ўзгаришлар ва ҳ.к) тадқиқотчини қизиқтирган томонларини миқдор ёки сифат жиҳатидан ҳисобга олиш, унинг ҳолати, белгиси ёки хоссаларининг батафсил қайд қилиб боришидир. Ходисанинг белгиси ёки хоссаларини кузатиш ва ҳисобга олишда ўлчашнинг турли-туман имкониятлардан фойдаланилади. Масалан, кузатиш ишлари об-ҳавони кузатиш станцияларида ҳаво ва тупроқ ҳарорати, ёғин – сочин миқдори, шамолнинг йўналиши ва кучини аниқлаш, дехқончиликда экинларнинг бегона ўтлар билан ифлосланганлик даражасини белгилаш, тупроқдаги намлик ва озиқ моддалар миқдорини аниқлаш тарзида амалга оширилиши мумкин. Барча ҳолларда ҳам кузатиш бизга ходисанинг миқдорий ёки сифат кўрсаткичларини кўрсатади холос, лекин уларнинг моҳиятини изоҳлаб бермайди. Шунинг учун кузатиш агрокимёвий тадқиқотларда ўзича мустақил тадбир бўлмасдан, ўзига нисбатан мураккаб усул – тажрибанинг таркибий қисми ҳисобланади.


МИНЕРАЛ ЎҒИТ ТУРЛАРИНИ СИФАТ РЕАКЦИЯЛАРИ ЁРДАМИДА АНИҚЛАШ

Машгулотдан мақсад: Хўжаликка заводлардан келтирилган минерал ўғитларни ташиб вақтида этикеткаларининг йўқолиши ёки азотли ўғитларнинг бир-бирига ўхшашлиги натижасида уларни ажратиб олиш қийин. Шунинг учун хўжаликда сифат реакцияси орқали ўғит турини ва нормасини тезда аниқлаб бериш зарур. Бу тажрибани (агар хўжаликда реактивлар бўлса) бирор мутахасис ёки агроном ёрдамида қийналмасдан қилиш мумкин.


Агар ўғит таркибида Cl^- бўлса, кумуш нитрат билан реакцияга киришганда оқ чўкма щосил бўлади:




Кумуш нитрат фосфорли ўғитлар билан реакцияга киришганда сариқ чўкма щосил қиласиди:



Агар ўғит таркибида SO_4^- бўлса, у BaCl_2 билан реакцияга киришиб, сутсимон чўкма щосил қиласди.



Агар ўғит таркибида аммиак бўлса ишқор билан реакцияга киришиш натижасида аммиак ажралади (албатта пробиркани чайқатиш зарур):



Иш тартиби: Тажрибани бошлишдан олдин пакетдаги ёки пробиркадаги ўғитдан тахминан 0,5-1,0 граммини пробиркага солиб, устига 6-8 атрофида дистилланган сув қуйилади. Пробиркани яхшилаб чайқатиб, ўғитнинг эриш даражаси аниқланади. Одатда, ўғитлар сувда яхши эрийдиган ва эримайдиган группаларга ажралади. Агар ўғит сувда эриса, щосил бўлган эритма учта пробиркага бўлиб қуйилади ва уларнинг щар қайсисига 2-3 томчи $\text{NaOH}, \text{BaCl}_2$ ва AgNO_3 эритмалари таъсир эттирилади. Щосил бўлган реакцияни, сувда эрийдиган ўғитларни аниқлаш темасидан фойдаланиб жадвал тўлдирилади.

Агар ўғит сувда эримаса, у ўнда эритма бироз тиндирилади (тиндириш вақтида иккинчи реакцияни қилиш мумкин). Тиндирилган эритмадан 3-4 мл олиб иккинчи пробиркага солинади ва унга фақат кумуш нитрат (AgNO_3) таъсир эттирилади ва сувда эримайдиган ўғитлар темасидан ўғит номи аниқланиб жадвал тўлдирилади.

Ўғит сувда эриса, уни қуриқ донаси кўмир чўғида текширилади. Селитра ўғити бўлса портлаганга ўҳшаб ёнади, аммиакли ўғит бўлининиб бўлининиб тутун чиқаради ва аммиак щидини беради. Калийли ўғитлар бўлининиб сачрайди.

СУВДА ЭРИЙДИГАН ЎҒИТЛАРНИ АНИҚЛАШ

Текширилаётган ўғит намунасидан учта пробиркага олиб, уларнинг щар бири алохида- алохида BaCl_2 , AgNO_3 ва NaOH таъсир эттирилганда ўзгариш бўлмасдан, фақат ишқор таъсир эттирилган пробиркада аммиак щидини берса, бу ўғит аммикли селитра NH_4NO_3 бўлади. Бу ўғит чўғда ёниб, аммиак щиди билан тутун щосил қиласди.

Олинган ўғит намунаси учта реактивда ўзгариш бермаса калийли ёки натрийли селитра бўлади. Бунда кўмир чўғида бинафша ранг бўлса, калийли селитра KNO_3 , агар сариқ аланга берса, натрийли селитра NaNO_3 бўлади.

AgNO_3 қўшилган пробиркада оқ чўкма, BaCl_2 қўшилган пробиркада эса лойқа щосил бўлса, бу ўғит аммоний хлорид бўлади. NH_4Cl

AgNO_3 қўшилган пробиркада лойқа щосил бўлиб, BaCl_2 қўшилган пробиркада оқ сутсимон оқ чўкма щосил бўлса, аммоний сульфат ўғити бўлади $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$

AgNO_3 қўшилган пробиркада сариқ чўкма, BaCl_2 қўшилган пробиркада оқ чўкма щосил бўлса, аммафос- $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$ ва диаммафос- $(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4$ ўғитлари бўлади. Бу ўғит сувда секин эрийдиган бўлгани учун уни текшираётганда кўпроқ чайқатиш керак.

NaOH қүшилган пробиркада аммиак щиди бўлмаса, ёки кўмир чўғида аммиак щидини щосил қиласа пробиркадаги ўғит мочевина- $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ бўлади.

Кўмир чўғида ўғит доналари бўлиниб ёки билингас сачраса ва тутун чиқармаса бундай ўғитлар калийли ўғитлар щисобланади.

Агар ўғитда щар хил ранглар бўлса, сильвинит ўғити бўлади ($m\text{KCl}\cdot n\text{NaCl}$).

Ўғитнинг кўриниши ош тузига ўхшаш бўлиб, унга айрим рангли кристаллар аралашган бўлса, калий тузининг ўғити бўлади.



AgNO_3 қўшилган пробиркада ѡч қандай ўзгариш бўлмасдан, фақат BaCl_2 таъсир эттирилган пробиркада сутга ўхшаш оқ чўкма щосил бўлса, бундай ўғит калий сульфат бўлади- K_2SO_4

СУВДА ЭРИМАЙДИГАН ЎҒИТЛАРНИ АНИҚЛАШ.

Агар ўғит сувда эримаса, бир оз тиндирилгач, ундан 3-5 мл олиб иккинчи пробиркага қўйилади ва фақат AgNO_3 таъсир эттирилади.

1. Агар AgNO_3 таъсир эттирилганда тезлик билан сариқ ранг щосил бўлса, суперфосфат $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$ ўғити бўлади.

2. Агар AgNO_3 таъсир эттирилганда пробирканинг пастки қисмидан секин- асталик билан сариқ ранг щосил бўлса, преципитат $\text{CaHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ўғити бўлади AgNO_3 ни таъсир эттирилганда сариқ ранг щосил бўлмайди. Ўғитнинг ранги қорароқ бўлиб, унга сульфат аммоний ёки аммоний хлор ўғитлардан оз микдорда аралаштириб сувда эритилади. Буни эритган вақтимизда аммиак щиди чиқса текширилаётган ўғитимиз-томасшлак щисобланади.

Агарда AgNO_3 таъсир эттирилганда аммиак щидини бермаса, кальций цианамид CaCN_2 ўғити бўлади.

Ўғитларни характерли реакцияларини ёзиш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин:

Идишнинг ва пробиркан инг рақами	Ўғитнин г ташқи тузилиши и, ранги	Сувда эрувчан лиги	NaOH билин муносаб ати	BaCl_2 билин реакци яси	AgNO_3 билин реакци яси	Ўғитнинг	
						номи	форму ласи

--	--	--	--	--	--	--	--


Керакли реагенттер ва жиҳозлар: ўғит намуналари, NaOH, BaCl₂ ва AgNO₃ эритмалари, дист. сув, аналитик тарози, пробиркалар.

2 – машғулот.

Тупроқ таркибидан Къелдаль усулида умумий азотни аниклаш.

Машғулотдан мақсад: Тупроқ таркибидаги умумий азот микдорини аниклашда иккى процесс боради: биринчидан органик модданинг кучли сульфат кислотасида куюшидан органик азот аммонийли азотга айланади, сўнгра сульфат кислота оксидланиб сульфат ангидридга айланади ва азотни аммиаккача қайтаради. Аммиак эса сульфат кислота билан аммоний сульфат ҳосил қиласди.

Иккинчидан, ҳосил бўлган аммоний сульфатдан кучли ишқор (NaOH) таъсирида аммиак ажралиб чиқади ва у титрланган сульфат кислота билан бирикади.




Иш тартиби : Аналитик тарозида массаси маълум пробиркага анализ учун тайёрланган тупроқдан 3 – 10 г тортиб олинади ва Къелдаль колбасига солинади. Олинган намунани колбанинг тубига тушириш лозим. Реакцияни тезлатиш мақсадида намунага катализатор сифатида 0,3 – 0,4 г CuSO₄ ва 5 г гача K₂SO₄ солинади. Сўнгра колбага солиштирма оғирлиги 1,84 бўлган сульфат кислотадан мензуркага 25 мл ўлчаб қуйилади. Кислота колбага оз – оздан қуйилади, колба атрофида ёпишиб қолган тупроқ заррачалари ва катализатор бўлаклари колбанинг тубига тушсин.

Колба бир – икки марта эҳтиётлик билан яхшилаб чайқатилади ва бир сутка, жуда бўлмаганда 2 – 3 соат тинч қолдирилади. Шундан сўнг колба штативга ўрнатилиб, мўрили шкафда кучсиз алангада секин қайнатилади. Қайнатилаётганда аралашма кўпирли кетмаслиги керак. Агар кўпирли кетса, алангадан олиб чайқатилади, 2 – 3 томчи спирт томизилади ёки парафин бўлакчасидан солинади. Кўпик тамом бўлгач, суюқлик тиниқлангунича яна қайнатилади.

Күйдириш процесси 30 – 40 минут давом этади. Шундан сўнг колба совитилиб, аммиак ҳайдалади. Бунинг учун совитилгвн колбага 30 – 40 мл сув солинади ва эҳтиётлик билан ҳайдаш аппаратига ўтказилади (ҳайдаш аппарати конуссимон колба, совитгич ва йиғгич колбалардан иборат). Азотни ҳайдашдан олдин Къелдаль аппарати яхшилаб ювилиб, қуритилади. Бунинг учун конуссимон колба ҳажмининг 1/3 қисмига дистилланган сув қуийлади. Сўнгра уни каучук найда ёрдамида совитгич орқали тозалаш трубкасига улаб сув юборилади. Колба қайнагунча қиздирилади. Тозалаш трубкасининг тагига ҳажми 200 – 250 мл ли конуссимон колба (йиғгич) қўйилади. Конуссимон колбага 20 мл 0,05 н.сульфат кислота ва 100 – 150 мл дист.сув қуийлади. Бунинг устига 2 – 3 томчи метил қизилидан томизилади, сўнгра йиғгич колба совитгичга уланади.

Ҳайдаш колбасидаги аралашманинг умумий миқдори 300 – 350 мл дан ортмаслиги керак. Аралашма колбадаги ҳайдаш аппаратига ўтказилади ва унга 20 мл 50% ли ўювчи натрий NaOH. Ўювчи натрий билан аммоний сульфатнинг ўзаро реакциясидан аммиак ажралиб чиқади ва у газ ўтказгич (тозалаш трубкаси) орқали кислота йиғгич колбага тушади.



Колбани ҳайдаш аппаратига улаб, совутгичга сув юборилади ва чайқатиб туриб, ўртacha температурада секин қайнатилади.

Йиғгич колбага ҳайдаладиган маҳсулотнинг биринчи томчиси тушиши билан найчанинг учини 0,05 н. H₂SO₄ дан юқори қилиб яна ўрнатиб қўйилади. Ҳайдалган маҳсулот 150 – 200 мл га етганда азот – аммиак тўла ҳайдалганлиги текширилади. Бунинг учун йиғгичга тушаётган охирги томчига Несслер реактиви томизиб кўрилади, бунда сариқ ранг ҳосил бўлмаса ҳайдаш ниҳоясига етган бўлади. Шундан кейин йиғгич колба олинади ва совитгич беркитиб қўйилади. Йиғгичдаги ортиқча сульфат кислота 0,05 н NaOH билан титрланади, бунда суюқликни ранги қишиши – пушти ва сариқ рангга киргунча, сарф бўлган миқдорига кўра тупроқ таркибидаги азот қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$X = \frac{(a - b) \times 0,0007 \times 100 \times K}{H}$$

Бунда: x – тупроқ таркибидаги азот миқдори (% ҳисобида); a - йиғгич колбага солинган 0,05 н. H₂SO₄ миқдори; b – аммиак билан боғлиқ бўлмаган сульфат кислотани титрлаш учун сарфланган 0,05 н NaOH миқдори; 0,0007 – 1 мл NaOH эритмасини чўқтириш учун кетган азот миқдори; 100 – процентга айлантириш кўпайтмаси; H – тупроқ массаси, г ҳисобида; K – гигроскопик коэффициент.

Керакли асбоб ва реактивлар: пробирка, Къелдаль аппарати, аналитик тарози, парафин, каучук най, мензурка, ўлчов цилинтри, штатив, тозалаш трубкаси, электр плитка ёки газ горелкаси, конуссимон колба ва ҳар хил колбалар, совитгич ва бюретка, 0,5 н. H₂SO₄, пемза, рух, NaOH, аммоний сульфат, Несслер реактиви, метилрот.

3 машғулот.

Тезкор усулда В.В.Церлинг усули бўйича ўсимлик баргидаги азот, фосфор ва калийни аниқлаш.

Машғулотдан мақсад: Бир қатор ўсимликлар, хусусан, ғалла, айрим ўтлар, мева, резавор мева ўсимликлари ва бошқаларнинг пояси, баргнинг шираси кам бўлганлиги, барг банди бўлмаслиги, шираси жуда яшил бўлганлиги учун бу ўсимликларнинг ўғитларга талабини диагностика методи билан аниқлаш қийин. В.В.Церлинг бундай ўсимликлар учун ўсимлик кесимини микрореакция ёрдамида тез анализ қилиш методини таклиф этган.

У дала лабораториясини ишлаб чиқкан. Бу лаборатория ОП – 2 деб номланган ва жуда қулай ҳисобланади. У ўсимликлар таркибидаги нитратлар, минерал фосфатлар ва калий миқдорини аниқлашга имкон беради. Ўсимликларни тез анализ қилишга мўлжалланган бу асбобдан моддаларнинг ўсимликка кириши, ҳаракатланиши, маълум органларда тўпланиши ва ривожланиш фазаларига қараб уларнинг миқдори ўзгаришини ўрганишда, шунингдек, ўсимликларнинг баъзи ўғитларга талаби қондирилганлигини аниқлашда фойдаланилади.

Анализ қилиш учун ўсимликларниг ҳар қандай қисмидан кесик тайёрлаш мумкин, лекин шуни эсда тутиш керакки, худди ана шу методда аниқланадиган анорганик моддалар ўсимликларнинг найчали – ўтказувчи системага бой бўлган органларида, яъни поясида, барг бандида энг кўп бўлади. Улар баргларнинг пастки ярусида юқоридагиларга қараганда кўпроқ. Ёш ўсимликлар таркибида ҳам кўп бўлади. Ўсимликлар гарчи азот билан яхши таъминланган бўлса ҳам, гуллаш фазасида нитратларга ўхшашибирикмалар деярли йўқолиб кетади. Шунинг учун озиқ моддалар билан таъминланган ва таъминланмаган ўсимликлар орасида улар ёшлигида, яъни озиқлантириш самара берадиган даврда фарқ бўлади.

Ўсимликларнинг ўғитга бўлган талабини аниқлашда нитратлар учун 6 балл, фосфор ва калий учун 5 балли шкала тавсия этилган. Барча элементлар учун 0 – 2 балл ўғитларга кучли талабни, 3 – 4 балл ўртача талабни ифодалайди. Нитратлар учун 5 – 6 балл ва фосфор ҳамда калий учун 5 балл ўғитлар билан таъминланганлик кўрсаткичи ҳисобланади. Анча катта ёшдаги ўсимликларни анализ қилишда қўйиладиган баҳо нитратлар учун 1 – 2 балл, фосфор ва калий учун 1 балл пасайтирилади.

Ўсимликларнинг азот, фосфор ва калий билан таъминлаш даражаси аниқланадиган асбоб (ОП - 2)да барча зарур реактивлар эритмаси томизгичларда ва запас ҳолда қуруқ реактивлар (шиша идишларда) бўлади. Бундан ташқари, ширанинг нитратлар, фосфатлар ва калий билан реакциясининг рангли доғ шкаласи; фильтрлар, лезвия, пластинка ва дастаси бор. Азотни аниқлашда ўсимликлардан олинган кесиклар шиша пластинкаларга, фосфор ва калийни аниқлашда бир бўлак фильтр қофоз устига қўйилади.

Нитратларни аниқлаш. Азот нитратлар реакцияси бўйича дифениламиннинг сульфат кислотадаги эритмаси билан аниқланади. Бунинг учун пластинкага қўйилган янги кесик устига дифениламиннинг 1 % ли эритмасидан 1 томчи томизалади. Кейин кесикда ҳосил бўлган доғнинг ранги шкалагага таққосланади ва балл билан баҳоланади (Жадвал №)

Жадвал - 2

Ўсимликларнинг азотли ўғитларга бўлган талаби шкаласи.

N – NO ₃ миқдори (аралаш)	Балл	Бўялиш тури	Азотли ўғитларга талаби

моддага нисбатан, %)			
0,0705 + 0,0094	6	Кесик ва эритма тез зангори – қора рангга киради. Ранги барқарор	Талаб этмайди. Нитратлар ҳаддан ташқари кўп
0,0221 + 0,0005	5	Кесик ва эритма тезда тим кўк рангга киради. Бу ранг бирмунча сақланади.	Талаб этмайди. Нитратлар ортиқча
0,0174 + 0,0007	4	Кесик ва эритма кўк рангга киради. Бу ранг тезда ҳосил бўлмайди	Кам талаб қиласди
0,0151 + 0,0061	3	Кесик ва эритма оч кўк рангга киради, 2 – 3 дақиқадан сўнг ранги йўқолади	Ўртacha талаб қилинади
0,0067 + 0,0004	2	Асосан ўтказувчи тўқималар оч ҳаво рангга киради, Ранги тезда йўқолади	Талаб этади
0,0028 + 0,0006	1	Тез йўқоладиган ҳаво ранг излари	Кучли талаб қилинади
-	0	Кўк ранги йўқ	Жуда кучли талаб қиласди

Фосфатларни аниқлаш. Фосфор аммоний фосфат – молибдат комплекс тузининг бензидини билан қайтариш орқали аниқланади. Бунинг учун ўсимликнинг фильтр қоғозга томизилган ширасига ва кесик устига 1 томчидан реактив (аммоний молибдат, бензидин, нордон натрий ацетат) томизилади. Ҳосил бўлган ранг шкалага таққосланади ва балл билан баҳоланади (Жадвал).

Жадвал - 3

Ўсимликларнинг фосфорли ўғитларга бўлган талаби шкаласи.

P ₂ O ₅ миқдори (аралаш моддага нисбатан, %)	Балл	Бўялиш тури	фосфорли ўғитларга талаби
0,0692 + 0,0050	5	Бутун кесикнинг изи қорамтири – кўк, томирлар тутами кўк - қора	Талаб қилмайди
0,0415 + 0,0044	4	Бутун кесикнинг изи кўк, томирлар тутами ҳам кўк	Талаб қилмайди ёки кам талаб қиласди

0,0225 + 0,0024	3	Бутун кесикнинг изи оч кўқ, томирлар тутами кўқ	Ўртача талаб қиласди
0,0174 + 0,0014	2	Бутун кесикнинг изи оч кўқ, томирлар тутами тўқроқ	Талаб қиласди
0,0121 + 0,0007	1	Бутун кесикнинг изи оч кулранг--кўқ, томирлар тутами кулранг - ҳаворанг	Кучли талаб қиласди
-	0	На тўқима, на томирлар тутами рангли	Кучли талаб қиласди

Калийни аниқлаш. Калий магний дипикриламинат таъсирида тўқ сариқ – қизил рангли калий дипикриламинат чўкмаси ҳосил қилиб аниқланади. Бунинг учун шира доғига ва кесикка 1 томчидан магний дипикриламинат ва хлорид кислота томизилади. Ҳосил бўлган ранг рангли шкала билан таққосланади ва балл билан баҳоланади(Жадвал).**Жадвал - 4**

Ўсимликларнинг калийли ўғитларга бўлган талаби шкаласи.

K ₂ O миқдори (аралаш моддага нисбатан, %)	Балл	Бўялиш тури	Калийли ўғитларга талаби
0,54 + 0,023	5	Қизил – сурик	Талаб қилмайди
0,37 + 0,013	4	Қизил – тўқ сариқ	Кучсиз талаб қиласди
0,33 + 0,018	3	Тўқ сариқ	Ўртача талаб қиласди
0,24 + 0,012	2	Сариқ – тўқ сариқ	Талаб қиласди
0,13 + 0,035	1	Оч сариқ	Кучли талаб қиласди
-	0	Лимон ранг сариқ	Жуда кучли талаб қиласди

Керакли реагент ва жиҳозлар: дифениламиннинг 1 % ли эритмаси, аммоний молибдат, бензидин, нордон натрий ацетат, магний дипикриламинат, хлорид кислота, ОП – 2 лаборатория асбоби.

Вегетация тажриба схемалари

Вегетация тажриба учун изланишлар юзлаб схемаларни тузиб ишлаш мумкин. Қуйида биз баъзи бирлари билан танишамиз. масалан: 1) типик бўз тупроқларда асосий ўғитлар (NPK) турларини аниқлаш.

- 1.Жорж Виллиминит саккиз далали схемаси: 1) O 2) N 3) P 4) K 5) NP 6) NK 7) PK 8) NPK
- 2.Вагнарминт қисқартирилган беш схемаси: 1) O 2) NP 3) NK 4) PK 5) NPK
- 3.Митчерлиханинг қисқартирилган тўрт схемаси: 1) NP 2) NK 3) PK 4) NPK

Тема 1

Буғдой экинига ўғитларнинг таъсири: тажриба схемаси: 1) О 2) N 3) P 4) K 5) NPK

Тема 2

Ғўза экини ҳосили ва сифатига ҳар хил меъёрдаги аммиакли селитра ўғитини таъсири: тажриба схемаси: 1) O 2) N PK
3) N PK 4) N PK 5) N PK 6) N PK

Тема 3

Картошка экини ҳосилига ҳар хил меъёрдаги суперфосфат ўғитининг таъсири: тажриба схемаси: 1) O 2) NP K
3) NP K 4) NP K 5) NP K

Тема 4

Ғўза ҳосилига ва ривожланишига калийли ўғитларни таъсири: тажриба схемаси: 1) O 2) NP
3) NP+KCl 4) NP+K SO 5) NP+ калий тузи

Тема 5

Карам ҳосили ва сифатига калийли ўғитларни меъёларини таъсири: тажриба схемаси: 1) O
2) NPK
3) NPK 4) NPK 5) NPK 6) NPK

Темалар сони ва тажриба схемадаги изланишлар олдига қўйилган масалалар билан тенг ва мос келиши керак. Вегетацион тажриба орқали ўғитлар турларини оддий ва мураккаб ўғитлар таъсирини ўрганиш мумкин.

Вегетацион тажриба маҳсус идишларда ўрганилиб, бу эса дала тажрибаларидан тубдан фарқ қиласи.

Ўғитлар билан қилинадиган дала тажрибалари схемаси

1. Ўғитларнинг турларини ўрганиш. Ўғитларнинг уч хилини ўрганиш саккизлик схема бўйича олиб борилади: 1) ўғитсиз (контрол); 2) азотли ўғит (N); 3) фосфорли ўғит (P); 4) калийли ўғит (K); 5) NP; 6) NK; 7) PK; 8) NPK.

Ҳар қандай уччала омилнинг, масалан, ўғит, суғориш ва навнинг таъсирини ўрганишга доир дала тажрибаси схемаси ҳам худди шундай принцип асосида қурилиши мумкин: 1) районлаштирилган нав ўғитсиз ва суғоришиш; 2) районлаштирилган нав+ўғит; 3) районлаштирилган нав+суғориш; 4) районлаштирилган нав+ўғит+суғориш; 5) янги нав ўғитсиз ва суғоришиш; 6) янги нав+ўғит; 7) янги нав+суғориш; 8) янги нав+ўғит+суғориш.

Борди-ю, тупроқ асосий уч озиқ элементидан бирортасини масалан калий билан яхши таъминланмаганлиги ҳақида маълумот бўлса, саккизлик схема ҳеч путур етмагани ҳолда қисқартирилиб, бош вариантга келтирилиши мумкин: 1) контрол; 2) N; 3) P; 4) NP 5) NPK.

Агар фақат биргина турдаги ўғитнинг масалан, фосфорнинг таъсирини ўрганишдан иборат вазифа қўйилган бўлса, схема қисқартирилиб, тўрт вариантга келтирилиши мумкин: 1) контрол; 2) P; 4) NP 4) NPK.

Ўғитларни шаклларини ўрганиш. Бир турдаги ўғитларнинг алоҳида шакллари кўрсатадиган таъсирлардаги фарқ, одатда у бўлган талабни оширади. Бир турдаги ўғитларнинг масалан, азотли ўғитларнинг шакллари таъсири азот нормаси бир хил бўлган

холда бошқа икки турдаги асосий ўғитлар фонида (яни фосфорли ва калийли ўғитлар биргаликда) тупроққа солиниши йўли билан ўрганилади. Бунда схема бундай лўринишга эга бўлади: 1) контрол; 2) РК (фон); 3) фон+аммиакли селитра; 4) фон+мочевина; 5) фон+сувсиз аммиак.

Оддий ва концентранган ўғитлар (мураккаб ва аралаш ўғитлар масалан, таркибида азот, фосфор ва калий бўладиган нитрофосканинг) самарадорлиги таққослаб кўриладиган бўлганда бундай схема қабул қилиниши мумкин: 1) контрол; 2) NPK (оддий ўғитлар-аммиакли селитра, суперфосфат ва калий хлорид аралашмаси); 3) NPK (2-вариант NPK даги нормаларга тенг келадиган нормаларда).

Ўғитларнинг янги шакллари ўрганиладиган схемаларда илгари яхши ўрганилган ўғитлар бир неча нормаларда олиниши керак.

Ўғитларнинг нормалари ва нисбатларини ўрганиш. Ўғитларнинг нормалари ортиши билан ҳосил фақат маълум бир чегарагача ортиб боради. Ўғитлар маълум муддатларда бўлиб-бўлиб солинган ҳолда уларнинг нормаси ошириб борилганда ҳам ҳосилнинг энг юқори даражасига эришиш мумкин бўлади-ю, аммо ўғит нормасининг бундан кейинги оширилиши ҳосилнинг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли бир турдаги ўғитнинг бошқа икки тур асосий ўғитлар билан биргаликда ҳар хил нормада солинишининг таъсири ўрганилганда ўша ўғитнинг энг камида уч хил нормаси синаб кўрилиши керак. Унинг энг кам нормаси, яни энг кўп олинадиган ҳосилнинг тахминан ярмини таъминлайдиган даражасида, ўртacha нормаси энг кўп ҳосил олишга имкон берадиган даражадаги, ниҳоятда энг юқори нормаси - яна бундан олдин айтилган ҳосилнинг тахминан 1/3 улушкича қўшимча ҳосил етиштиришга таъсир кўрсатадиган даражадаги нормаси ҳисобланади. Чунончи, энг юқори ҳосил фосфор-калийли ўғитлар билан биргаликда 1 га ерга 90 кг азот солинганда олинади деб ҳисоблайлик. Бу ҳол учун азот дозасини ўрганиш схемаси қуидагича бўлиши мумкин: 1) контрол; 2) РК (фон); 3) фон+N ; 4) фон+N ; 5)фон+N .

Бироқ ҳар қандай турдаги ўғитнинг орттириб бориладиган нормаларнинг ҳосилга таъсири тупроқнинг юошқа озиқ элементлари билан қанчалик таъминланганлигига боғлиқ бўлади, шу сабабли барча ўғитлар орасида энг қулай нисбатлар бўлишига эришиш муҳимдир. Масалан, дала тажрибаларининг географик тармоғига мувоғиқ ўтказиладиган дала тажрибаларининг схемаларидан бири қуидаги кўринишга эга :

- | | |
|----------------------|-----------|
| 1. Контрол (ўғитсиз) | 7. N P K |
| 2. Р K | 8. N P K |
| 3. N P | 9. N P K |
| 4. N K | 10. N P K |
| 5. N P K | 11. N P K |
| 6. N P K | 12. N P K |

Ўғит солиш муддатлари ва усулларини ўрганиш. Ўғитлар солиш муддатларининг ўзгариши, одатда, уларни ерга солиш усулларининг ҳам ўзлаштирилишига сабаб бўлади, бу агрокимёвий шароитларга боғлиқ. Минерал ўғитларни тўлиқ солиш усулларини ўрганишга доир схема қуидаги кўринишда бўлиши мумкин:

Тажриба варианти Асосий ўғит (экишгача) Экиш пайтида
Озиқлантириш

1	-	-	-	-	2
N P K	-	-	-	-	
3	N P K	P	-	-	
4	N P K	P	N	-	
5	N P K	P	N K	-	

Ҳар бир омилнинг даражаси ўрганиладиган бошқа омилларнинг даражалри билан қўшилиб кетадиган кўп омилли дала тажрибаларида варианtlар сони бирмунча кўпайтирилади.

Ўғитлар билан қилинадиган барча тажрибаларда контрол вариант ўғитсиз вариант ҳисобланади. Ўғитларнинг турлари ва нормалари ўрганиладиган тажрибаларда бошқа ўғитлар билан биргаликда сепиладиган ва таъсири ўша ўғитлар соясида ўрганидадиган вариант контрол ҳисобланади. Ўғитларнинг шакли ўрганиладиган тажрибаларда стандарт шаклдаги ўғитлар сепилган вариант ўғитлаш муддатлари ва усуллари ўрганиладиган тажрибаларда одатдаги стандарт усулда қўлланиладиган вариант бўлиб ҳисобланади. Ҳамма ҳолларда ҳам ўғитлар билан қилинадиган дала тажрибалари схемаларини ишлаб чиқиша ягона фарқ принципига қатъий риоя қилиши керак.

ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ Маълумотларни қайта ишлашнинг касрли методи (Соколов бўйича).

Хосил маълумотларини алоҳида қайта ишлаш (касрли метод) учун, биз иккита вариантга эга бўлган вегетацион тажрибани оламиз. Тажрибада 4 марталик тақрорлаш амалга оширилади. Биринчи вариантда ўзга бўйича қуйидаги маълумотлар олинган: 125.7; 124.4; 117.7; ва 132.4 г/идишга. Ўзга хосилининг ўртача миқдори 125.1 г/идишга. Ахолида идишлар хосили ўртачадан +0.6; -0.7;-7.4;+7.3 га фарқ қиласи. Олинган қарқларни квадратга ошириб йифиб чиқамиз. Бу йифинидан квадрат илдиз олинганидан кейин, уни $n-1$, яъни 3га бўламиз ва натижада σ топилади ± 6.02 . Уни \sqrt{n} га, яъни $\sqrt{4}=2$ га бўлиб, биз ўртача миқдорнинг квадратик хатосини аниқлаймиз

$$(m)=3.01$$

Жадвал № 1

Касрли метод билан хосил маълумотларини қайта ишлаш

Тақрорланишлар	Тақрорлашлар бўйича ਊзга хосили, га	Ўртачадан силжиш (v)	Силжишлар квадратлари (v^2)
Вариант 1			
1	125.7	+0.6	0.36
2	124.4	-0.7	0.49
3	117.7	-7.4	54.76
4	132.4	+7.3	53.29
	$M_1=125.1$	+7.9 -8.1	$\sum v^2 = 108.90$

$$\sigma = \pm \sqrt{\frac{108.90}{3}} = \pm \sqrt{36.3} = \pm 6.02 \text{ г}$$

$$m_1 = \pm \frac{6.02}{\sqrt{m}} = \pm \frac{6.02}{\sqrt{4}} = \pm 3.01 \text{ г}$$

Вариант 2

1	114.4	-0.7	0.49
2	114.8	-0.3	0.09
3	117.2	+2.1	4.41
4	113.9	-1.2	1.44
	$M_2 = 115.1$	+2.1 -2.2	$\sum v^2 = 6.43$

$$\sigma = \pm \sqrt{\frac{6.43}{3}} = \pm \sqrt{2.14} = \pm 1.46 \text{ г}$$

$$m_2 = \pm \frac{1.46}{\sqrt{n}} = \pm \frac{1.46}{\sqrt{4}} = \pm \frac{1.46}{2} = \pm 1.073 \text{ г}$$

Хатолик, ўртача каби, абсолют миқдорда ифодаланади, маскур мисолда хар идишга га дан. Бундан келиб чиқиб, биринчи вариантга топилган ўртачанинг ишончлилиги $M \pm \sigma = 125.1 \pm 6.02$ оралиғида тебранади. Хатоликни ўртачадаги улуши сифатида процентларда ифодаласак:

$$m\% = \frac{m}{M} * 100\% = \frac{3.01}{125.1} * 100\% = 2.4\%$$

Демак тажрибанинг аниқлиги анча юқори бўлган. Иккинчи вариант учун $\sigma = \pm 1.46 \text{ г}$; $m = \pm 0.73 \text{ г}$; $m\% = 0.63\%$. Маскур холатда тажриба аниқлиги янада юқори бўлган.

Икки ўртача миқдор (M_1 ва M_2) фарқи хатолиги қўйидаги формула билан топилади:

$$m_f = \pm \sqrt{m_1^2 + m_2^2}$$

Маскур мисолда

$$m_f = \pm \sqrt{3.01^2 + 0.73^2} = \pm \sqrt{9.06 + 0.53} = \pm \sqrt{9.59} = 3.1 \text{ г}$$

Икки ўртача фарқи хаққонийлиги эса

$$(t) \text{ ёки } \frac{D}{m_D} = \frac{10}{3.1} = 3.2$$

Шундай қилиб, хосил орасидаги фарқ тўлиғича исботланди.

Умумлаштириш методи билан маълумотларни қайта ишлаш (А.В. Соколов бўйича)

Ўртачалар хатолиги бирданига бутун тажриба учун хисобланади, шунинг учун $m_1 = m_2$, ўртачалар фарқи хатолиги тажриба хатолигига айланади. Шундан келиб чиқиб,

$$m_{taj} = m_D = \pm\sqrt{2m^2} = \pm m\sqrt{2} = \pm 1.41m$$

Бутун тажриба учун m_D ни билиб, ихтиёрий таққосланаётган ўртачалар фарқи хаққонийлигини (t) қўйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$t = \frac{D}{m_D}$$

t -фарқнинг хаққонийлиги

D_t – ўртача арифметиклар фарқи

m_D – ўртачалар фарқи хаққонийлиги ёки тажриба хатоси

Бутун тажриба учун хисобланган хатолик, жуфт-жуфт қилиб таққосланаётган тажриба варианtlарининг фарқи хаққонийлигини аниқлаш учун ишлатилади. Шу мақсад билан хар бир вариант учун унинг ўртачаси аниқланиб, хар бирининг ўртачадан фарқи топилиб, уларни квадратга ошириб йифиб чиқилади. Силжишлар квадратлари суммаси аниқлангандан кейин, хар бир вариант учун барча силжишлар квадратлари суммаларининг суммаси $\sum(\sum v^2)$ топилиб, у тажриба аниқлигини қўрсатади. Бу холатда асосий силжиш қўйидагича аниқланади:

$$\sigma = \pm \sqrt{\frac{\sum(\sum v^2)}{nl - l}} = \pm \sqrt{\frac{\sum(\sum v^2)}{N - l}}$$

Бу формуланинг қўлланилиши қўйидагига асосланади. Эркин хадлар миқдори варианtlар сонидан бирни айириб ташлашга ($n-1$) тенг. Варианtlар сони L бўлгани учун, умуман барча тажриба учун, v^2 йифиб чиқилади ва натижада $l(n-1)$ ёки $(nl-1)$ та эркин хадлар оламиз.

nl ни N билан алмаштириб $N-1$ ни оламиз. Ўртача квадратик хатолик ёки ўрта арифметиклар хатолиги қўйидаги формула билан топилади:

$$m = \pm \sqrt{\frac{\sum(\sum v^2)}{N(n-1)}}$$

Тажриба аълумотларини умумлаштириб қайта ишлаш шароитида, барча варианtlар учун ўртачалар хатолиги бир хил бўлади. Шундай қилиб, тажриба хатоси ёки ўртачалар фарқи хатолиги қўйидагига тенг бўлади.

$$m_D = \pm\sqrt{m^2 + m^2} = \pm\sqrt{2m^2} = \pm m\sqrt{2} = \pm 1.41m$$

1 Жадвал мисолида умумлаштириш методини қўллаб қўрамиз. Фарқлар квадратларини аниқлаб ва уларни йифиб чиқиб, қўйидагини оламиз.

(2 Жадвал)

$$m_{taj} = \pm \sqrt{\frac{\sum(\sum v^2) = 115.33}{\frac{115.33}{2.4.3}}} = \pm \sqrt{4.8} = \pm 2.19$$

Икки ўртача фарқи хатолиги эса

$$m_D = \pm\sqrt{2.19^2 + 1.19^2} = \pm\sqrt{9.58} = \pm 3.096 = \pm 3.1$$

Ёки енгилроқ қилиб,

$$m_D = 2.19 * 1.41 = 3.087 = \pm 3.1$$

Иккала холатда хам касрли метод билан бир хил натижа олинган.

2 Жадвал

Силжишлар квадратларининг суммаларини хисоблаш

Тажриба вариантлари	Такрорланишлар	Силжишлар квадратлари	
		v	$\sum v^2$
1 чи	1	0.36	
	2	0.49	
	3	54.76	
	4	53.29	108.9
2 чи	1	0.49	
	2	0.09	
	3	4.41	
	4	1.44	6.43
			$\sum(\sum v^2) = 115.33$

Фарқлаш методи билан маълумотларни қайта ишлаш (Соколов А.В. бўйича)

Тажриба натижаларини қайта ишлашнинг фарқлаш методининг мохияти, касрли ва умумлаштириш методидан фарқли равишда, ўртачалар фарқи хатолигини эмас, балки ўртacha фарқнинг хатолигини топишга асосланган.

Соколов таклиф этган фарқлаш методи бўйича тупроқ хосилдорлиги бир маромда ўсиб борган холатни кўриб чиқамиз. Тасаввур қиласлик, майдонларда 2 ярусли чопикда пахта хосили 37.5; 39.8; 41.6 ва 42.4 ц, оддий чопикда эса мос равишда 36.6; 37.8; 39.2 ва 42.4 ц . Биринчи вариант учун ўртача хатолиги 1.17, иккинчи вариант учун 1.25 ни ташкил этди.

3 Жадвал

Икки ярусли чопикда хосил маълумотларини хисоблаш

Такрорлашлар	Хосил, ц	Ўртачадан силжиш (v)	Силжишлар квадрати (v^2)
1	37.5	-3.0	9.00
2	39.8	-0.7	0.49
3	41.6	+1.1	1.21
4	42.9	+2.4	5.76
	$M_1=40.5$	+3.5 -3.7	$\sum v^2 = 16.46$

$$m_1 = +\sqrt{\frac{16.46}{4*3}} = +\sqrt{1.37} = 1.17$$

Ўртачалар орасидаги фарқ 1.5, ўртачалар хатолиги эса

$$m_D = \pm \sqrt{m_1^2 + m_2^2} = \pm \sqrt{1.37 + 1.56} = 1.71$$

Шундай қилиб, касрли метод билан хосил маълумотларини қайта ишлаш натижасида, вариант орасидаги фарқ исботланмади, чунки ўртачалар фарқи хатолиги 1.71, улар орасидаги фарқдан 1.5 марта катта.

4 Жадвал

Оддий чопиқда хосил маълумотларини хисоблаш

Такрорлашлар	Хосил, ц	Ўртачадан силжиш (v)	Силжишлар квадрати (v^2)
1	36.6	-2.4	5.76
2	37.8	-1.2	1.44
3	39.2	+0.2	0.04
4	42.4	+3.4	11.56
	$M_2=39.0$	+3.6 -3.6	$\sum v^2 = 18.8$

$$m_2 = \pm \sqrt{\frac{18.8}{4*3}} = \pm \sqrt{1.57} = \pm 1.25$$

Шу билан бирга тажрибанинг биринчи такрорланишидан тўртинчисигача хосил системали ўсиши кузатилмоқда. Агарда жуфт жуфт қилиб, хар бир тажриба варианти учун, алоҳида хисоблашлар олиб борилса, қуйидаги фарқларга эга бўламиз: 0.9;2.0;2.4 ва 0.5 (5 жадвал). Ўртача фарқнинг квадратик хатоси атиги 0.45 ни ташкил этди. Бу холатда вариантлар орасидаги фарқ тўлиғича исботланади, чунки у ўзининг хатосидан катта ($\frac{1.50}{0.45}$) 3.3 марта.

Фарқлаш методи узоқ муддатли тажрибалар хосили маълумотларини қайта ишлаш учун кўлланиши мумкин. (“ Узоқ йиллик тажриба маълумотларини қайта ишлаш”) бўлимига қаранг.

Маълумотларни силжишларни текислаш ва десперсион анализ методларини бир мисолда кўриб чиқамиз. Бу мисол силжишларни текислаш методи инструкциясида келтирилган бўлиб, бунда пахтага бир меъёрда кам миқдорлар билан минерал ўғитлар бериб борилади.

5 Жадвал

Силжишларни текислаш методи билан фарқ хатолигини хисоблаш

Такрорлашлар	Хосил, ц		Фарқ	Үртача фарқдан силжиш	Силжишлар квадрати v^2
	2 ярусли чопик	Оддий чопикда			
1	37.5	36.6	0.9	-0.6	0.36
2	39.8	37.8	2.0	+0.5	0.25
3	41.6	39.2	2.4	+0.9	0.81
4	42.9	42.4	0.5	-1.0	1.00
	$M_1=40.5$	$M_2=39.0$	1.5	+1.4 -1.6	$\sum v^2 = 2.42$

$$m_D = \pm \sqrt{\frac{2.42}{4*3}} = \pm \sqrt{0.20} = \mp 0.45$$

Силжишларни текислаш методи маълумотларни қайта ишлаш (Соколов бўйича)

Такрорлашлар бўйича хосил ўртачаси ва уларнинг хар бирининг тажрибанинг умумий ўртачасидан силжиши аниқланади. (6 жадвал)

Ўртачадан кичик бўлган тажриба натижалари манфий белги билан, катта бўлган натижалар эса мусбат белги билан ёзилади. Манфий ва мусбат белгили сонлар йигиндиси teng бўлиши керак. Хосил ўртачаси текширилганда, вертикал ва горизонтал бўйича тўғри келиши керак. Вариантлар бўйича ўртачадан силжишларни олиб (7 жадвал 3 устун), ундан тажриба хосили ўртачасидан такрорлашларнинг силжишларини айириш керак (жадвал охирги қатори 6 устун), натижада текисланган силжишларга эга бўламиз. Агар айирилаётган сон манфий белгига эга бўлса, у плусга айланади. Мисол учун, биринчи вариантнинг иккинчи такрорланишига қуйидаги хисоблаш амалга оширилади:

$$-1.3 - (-0.68) = -1.3 + 0.68 = -0.62$$

Ўша биринчи вариантнинг учинчи такрорланишига

$$+0.5 - 0.40 = \pm 0.10$$

Текисланган силжишланни квадратга оширамиз, вариантлар бўйича квадратга оширилган текисланган силжишларни йиғиб чиқамиз, ундан кейин эса барча силжишлар квадратларини йиғиб чиқамиз $\sum(\sum v^2)$

Вариант учун ўртача хатоси қуйидаги формула билан топилади:

$$m = \pm \sqrt{\frac{\sum(\sum v^2)}{n(n-1)(l-1)}}$$

Маскур формулага керакли миқдорларни қўйиб, қуйидагини оламиз:

$$m = \pm \sqrt{\frac{1.87}{4*3*3}} = \pm \sqrt{\frac{1.87}{36}} = \pm \sqrt{0.052} = \pm 0.23$$

$$m_D = \pm \sqrt{0.23^2 + 0.23^2} = 0.32 \text{ ёки (бу хисоблашларни амалга оширмасдан)}$$

$$0.23 * 1.41 = 0.32 \text{ ц}$$

6 Жадвал

Такрорлашлар бўйича силжишларни хисоблаш (тажриба хосили ўртачаси 33.40 ц/га)

Такрорлашлар	Хосил ц/га			N-120 P ₂ O ₅ -95	Такрорлашлар ўртачаси, ц/га	Так.нинг ўртача хосилдан сиљиши
	Назорат (ўғитсиз)	N -120	N-120 P ₂ O ₅ -45			
1	20.5	34.8	36.5	37.8	32.40	-1.00
2	20.2	35.1	37.4	38.2	32.72	-0.68
3	22.0	36.7	37.6	38.9	33.80	+0.40
4	23.3	37.0	38.1	40.3	34.68	+1.28
	M ₁ =21.5	M ₂ =35.9	M ₃ =37.4	M ₄ =38.8	33.40	+1.68 -1.68

Ихтиёрий икки вариантнинг ўртачалари фарқини, бу фарқ хатолигига нисбати (D/m_D), т билин белгиланиб, у икки таққосланаётган вариант фарқининг хаққонийлик даражасини кўрсатади. Бизнинг мисолимизда хосил ўртасидаги фарқ, мисол учун, 90 ва 45 кг/га P₂O₅ 1.4 ц/га да вариантлари ўртасидаги етарлича хаққоний чиқди, чунки $t = \frac{D}{m_D} = \frac{1.4}{0.32} = 4.4$

Тажриба аниқлиги бу холатда

$$\frac{0.23 * 100}{33.4} = 0.7 \% \text{ га teng bўлди, яъни баланд.}$$

Текисланган силжишлар орқали хатоликларни хисоблаш

Вариантлар	Такрорлашлар	Ўртачадан силжишлар	Такрорлашлар бўйича силжишларни текислаш	Текисланган силжишлар квадрати	
				v^2	$\sum v^2$
Назорат (ўғитсиз)	1	-1.0	0.00	0	0.66
	2	-1.3	-0.62	0.38	
	3	+0.5	+0.10	0.01	
	4	+1.8	+0.52	0.27	
N -120	1	-1.1	-0.10	0.01	0.21
	2	-0.8	-0.12	0.01	
	3	+0.8	+0.40	0.16	
	4	+1.1	-0.18	0.03	
N-120 P ₂ O ₅ - 45	1	-0.9	+0.15	0.01	0.85
	2	0.0	+0.68	0.46	
	3	+0.2	-0.20	0.04	
	4	+0.7	-0.58	0.34	
N-120 P ₂ O ₅ - 95	1	-1.0	0.00	0	0.15
	2	-0.6	+0.08	0.01	
	3	+0.1	-0.30	0.09	
	4	+1.5	+0.22	0.05	
				$\sum(\sum v^2) = 1.87$	

Агрокимёвий тадқиқот натижаларининг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш учун уларнинг натижаларини статистик ишлаш талаб этилади.

Бунинг учун бир қатор усуллар тавсия этилган бўлиб, улар ичида *дисперсион таҳлил* ўзининг соддалиги, қулагиллиги ва ишончлилиги билан ажралиб туради.

Дисперсион таҳлил “ўртача квадратлар муносабатининг тарқалиш қонуни” асосчиси, таникли инглиз олими Р.А.Фишер томонидан ишлаб чиқилган ҳамда қишлоқ хўжалиги ва биологик тадқиқотларга тадбиқ этилган. Бу қонун қўйидаги формула билан ифодаланади:

$$F=S_1^2/S_2^2;$$

Бу ерда: S_1^2 – вариантлар ўртача кўрсаткичларининг ўртача квадрати;
 S_2^2 – объектларнинг ўртача квадрати.

Дисперсион таҳлил эксперементларни режалаштириш ва уларнинг натижаларини статистик ишлашда кенг қўлланилади.

Ушбу қўлланмада дисперсион таҳлилнинг назарий асосларини тўла баён этиш режалаштирилмаганлиги боис олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги ва чиқарилган хуросаларнинг ишончлилигини кўрсатувчи айрим жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

Дисперсион таҳлил – тадқиқот натижаларини компонентларга (масалан, ҳосилни такрорликлар, варинатлар, тасодифий хатолар ва ҳ.к.) ажратган ҳолда ўрганишдир. Унда ўрганилаётган омилларнинг таъсири ва ўзаро таъсирининг муҳимлиги F- қиймат ва КФМ₀₅ асосида баҳоланади.

Дисперсион таҳли қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Такрорликлар ва вариантлар бўйича (мос равишда Р ва V) ўртача арифметик қийматлар ҳамда умумий йиғинди (ΔX) ҳисоблаб топилади.

2. Кузатишларнинг умумий сони (N) аниқланади:

$$N=1*n;$$

Бу ерда: l- вариантлар сони, n-такрорликлар сони.

3. Тузатиш омили (C) топилади:

$$C=(\sum X)^2 : N;$$

4. Квадратларнинг умумий йиғиндиси (C_y) топилади:

$$C_y=(\sum X)^2 - C;$$

5. Такрорликлар бўйича квадратлар йиғиндиси (C_p) аниқланади:

$$C_p = \Sigma P^2 : 1 - C;$$

6. Вариантлар бўйича квадратлар йиғиндиси (C_v) аниқланади:

$$C_v = \Sigma V^2 : n - C;$$

7. Хато (қолдиқ) лар учун квадратлар йиғиндиси (C_z) ҳисоблаб топилади:

$$C_z = C_y - (C_p + C_v)$$

8. Вариантлар (C_v) ва хатолар (C_z) учун квадратлар йиғиндиларини ўзларига хос эркинлик даражаларига бўлиб, ўртача квадратлар (дисперсиялар) (S_v^2 ва S^2) аниқланади:

а) вариантлар учун $S_v^2 = \frac{C_y}{l-1}$;

б) хатолар учун $S^2 = \frac{C_z}{(n-1)(l-1)}$;

9. Ўртача квадратлардан дисперсион таҳлилда ўрганилган омиллар таъсирининг мухимлиги (F) ни аниқлашда фойдаланилади:

$$F=S_v^2 : S^2$$

Шундай қилиб, таққослаш бирлиги (базаси) қилиб тасодифий дисперсиянинг ўртача квадрати қабул қилинган, қайсики тадқиқотлардаги тасодифий хатолар кўламини белгилайди.

Агар $F_{\text{амал}} = S_v^2 : S^2 < F_{\text{назарий}}$ бўлса, барча вариантларнинг ўртача қийматлари ўртасида мухим фарқ мавжуд бўлмайди ва ҳисоблашлар шу жойда тўхтатилади.

Агар $F_{\text{амал}} = S_v^2 : S^2 > F_{\text{назарий}}$ бўлса, нолинчи тахмин инкор этилган ҳисобланади ва бу ҳолда энг кичик мавжуд фарқ (КМФ) асосида қайси қийматлар ўртасида фарқ борлиги аниқланади.

10. Тадқиқотларда йўл қўйилиши мумкин бўлган тасодифий оғишлиар чегарасини кўрсатувчи катталик – энг кичик мавжуд фарқ – КМФ (рус тилидаги адабиётларда “НСР” – наименьшая существенная разность”) деб юритилади.

КМФ ни аниқлашдан аввал дисперсион таҳлил маълумотлари асосида қўйидаги қийматлар ҳисоблаб топилади:

$$S_x = \sqrt{S^2 : n}$$

$$S_d = \sqrt{2S^2 : n};$$

Тажриба ишлари амалиётида қўп ҳолларда вариантлар бўйича ўртача қийматликлар жуфти билан таққосланади ва юқорида келтирилган формула асосида ҳисобланади. Агар

тажрибада назорат варианти (масалан, ўғит солинмаган вариант) бўлмаса, ўрганилаётган варианtlардаги ўртача ҳосил тажрибадаги ўртача ҳосил билан таққосланади. Бу ҳолда ўртача фарқлар хатоси қуйидагича ҳисобланади:

$$S_d = \sqrt{S^2 \frac{l-1}{\ln} = S_x - \sqrt{\frac{l-1}{l}}};$$

Баъзан бир хил ўлчамли бўлмаган комплексларни таққослашга тўғри келади ва бу ҳолда фарқлар ўртасидаги хато:

$$S_d = \sqrt{\frac{S^2}{n_1} + \frac{S^2}{n_2}} = \sqrt{S^2 \frac{n_1 + n_2}{n_1 * n_2}} \text{ формула асосида ҳисобланади.}$$

Агар n_1 қ n_2 бўлса, формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$S_d = \sqrt{S^2 \frac{n_1 + n_2}{n_1 * n_2}} = \sqrt{S^2 \frac{2n}{n^2}} = \sqrt{\frac{2S^2}{n}};$$

ва ниҳоят энг кичик мавжуд фарқни ҳисоблаймиз:

$$KMΦ_{0,5} = t_{0,5} S_d; \quad KMΦ_{0,5} = \frac{t_{0,5} * S^d}{x} * 100;$$

$$KMΦ_{0,1} = t_{0,1} S_d \quad KMΦ_{0,1} \% = \frac{t_{0,1} * S_d}{x} * 100;$$

KMΦ ва t қийматларнинг индекчидағи рақамлар (0,5 ва 0,1) муҳимлик даражасини (5 ва 1%) ифодалайди.

Муҳимлик даражаси бўйича t ўлчам қийматлари 1-иловадан олинади.

5% ли муҳимлик даражасига 95% эҳтимоллик, 1% ли муҳимлик даражасига 99% эҳтимоллик тўғри келади.

Ўртача қийматлар ўртасидаги фарқлар $KMΦ_{0,5}$ дан катта бўлса, 5% ли муҳимлик даражаси мавжуд ҳисобланади ва одатда битта юлдузча билан, $KMΦ_{0,1}$ дан катта бўлса, иккита юлдузча (**) билан белгиланади.

Тадқиқотлар натижаларининг дисперсион таҳлилида ўртача қийматлардаги энг кичик мавжуд фарқлар одатда $KMΦ_{0,5}$ асосида аниқланади.

Агротехникавий (шу жумладан ҳғитлар устида ўтказиладиган) тажрибаларда барча варианtlар $KMΦ_{0,5}$ асосида 3 та гурухга ажратилади:

- 1) ўртча ҳосилнинг назоратга нисбатан мусбат белги билан оғиши $KMΦ_{0,5}$ дан юқори;
- 2) мусбат ёки манфий белги билан оғиши $KMΦ_{0,5}$ чегарасидан чиқмайди;
- 3) манфий белги оғиши $KMΦ_{0,5}$ қийматига нисбатан юқори.

$KMΦ$ нинг аҳамиятини қуйидаги мисол ёрдамида тушунтириш мумкин. Тарозидаги ўлчов белгилари $\pm 1\text{kg}$ га мўлжалланган бўлса, унда $\pm 10\text{ kg}$ хатоликда тортиб бўлмайди, чунки тарозининг тузилиши бунга йўл қўймайди. Агар дала тажрибаси натижалари бўйича $KMΦ_{0,5}$ кўрсаткич 3 ц/га га тенг деб қайд этилган бўлса, айнан мана шу катталик варианtlар ўртасидаги фарқни аниқлашда баҳолаш мезони бўлиб хизмат қиласи. Агар варианtlар ўртасида ўртача қиймат фарқи 3 ц/га дан кичик бўлса, уни муҳим деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки у айни шу тажриба учун рухсат этилган микдордан кичикдир.

Мисол: Даала тажрибасида фосфорли ўғитларнинг ўсиб борувчи меъёрларининг (азот ва фосфор фанида) пахта ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган. Ўз ичига 5 та варианти олган, 4 та тақрорликда ўтказилган уибу тажриба натижаларининг статистик таҳлилини амалга оширинг.

I.13-жадвалга пахта ҳосилдорлигига оид маълумотларни ёзиб оламиз.

II. Варинатлар ва тақрорликлар бўйича ўртача ҳосил миқдори аниқланади ва 14-жадвалга ёзилади:

2.1) 1-вариант ($20,5+19,8+21,3+22,0$): 4 к 20,9 ү/га.

Шу асосда 2; 3; 4 ва 5 варианtlардан мос равишда 32,7; 36,0; 38,2 ва 38,6 ү/га ҳосил олганлиги ва уларнинг йифиндиси:

$$\Sigma V \text{ к } 83,6+130,8+144,0+152,8+154,4=665,6 \text{ бўлиши аниқланади.}$$

5-жадвал

Пахта ҳосилдорлигига оид маълумотлар, ү/га

Тажриба варианти	Ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га			Тақрорликлар бўйича ҳосил, ү/га			
	N	P_2O_5	K_2O	1	2	3	4
1	200	-	100	20,5	19,8	21,3	22,0
2	200	50	100	32,8	33,9	32,5	31,6
3	200	100	100	35,4	34,8	37,2	36,6
4	200	150	100	39,0	37,2	38,8	37,8
5	200	200	100	38,7	38,3	37,9	39,5

2.2) 1-тақрорлик: $20,5+32,8+35,4+39,0+38,7=166,4$ ц

Шу асосда 2; 3 ва 4 тақрорликлардаги умумий ҳосил мос равишда 164,0; 167,7 ва 167,5 ү бўлиши аниқланади ва уларнинг йифиндиси ҳисобланади:

6-жадвал

Вариант ва тақрорликлар бўйича йифиндилар ва ўртача кўрсаткичалр, ц/га.

Тажриба варианти	Ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га			Тақрорликлар бўйича ҳосил, ү/га				Вариантлар бўйича йигинди	Ўртача
	N	P_2O_5	K_2O	1	2	3	4		
1	200	-	100	20,5	19,8	21,3	22,0	83,6	20,9
2	200	50	100	32,8	33,9	32,5	31,6	130,8	32,7
3	200	100	100	35,4	34,8	37,2	36,6	144,0	36,0
4	200	150	100	39,0	37,2	38,8	37,8	152,8	38,2
5	200	200	100	38,7	38,3	37,9	39,5	154,4	38,6
Тақрорликлар бўйича йифинди			166,4	164,0	167,7	167,5	ΣX к 665,6	х.к 33,3	

$$\Sigma P \text{ к } 166,4+164,0+167,7+167,5=665,6 \text{ ң}$$

$\Sigma V = \Sigma P (665,6)$ бўлиши ҳосилга оид маълумотлар тўғри ҳисобланганлигидан далолат беради.

III. Ўртача натижалар асосида оғиш кўрсаткичлари ҳисобланади. Бунинг учун тажриба маълумотлари кўздан кечирилиб, ундаги энг кичик ва энг катта сон топилади ва улар асосида ўртача натижа ҳисобланади:

$$20,5+39,5 \text{ к } 60 : 2 \text{ к } 30$$

Сўнгра бу сонлан такрорлик ва варианлардаги ҳосил натижалари айрилади ҳамда “+” ёки “-” ишора билан 15-жадвалга ёзилади.

15-жадвал

Тажриба натижаларининг ўртача натижадан оғиши

Вариант рақами	X ₁ к X-30				Σ_v
	1	2	3	4	
1	-9,5	-10,2	-8,7	-8,0	-36,4
2	2,8	3,9	2,5	1,6	10,8
3	5,4	4,8	7,2	6,6	24,0
4	9,0	7,2	8,8	7,8	32,8
5	8,7	8,3	7,9	9,5	34,4
Σ_p	16,4	14,0	17,7	17,5	$\Sigma_{x1} = 65,6$

IV. Оғиш квадратларининг йифиндиси қўйидаги тартибда ҳисобланади ва олинадиган натижалар дисперсион таҳлил жадвалига киритилади.

а) кузатишларнинг умумий сони топилади.

$$N \text{ к } 1*n = 5 * 4 = 20 \text{ та}$$

б) тузатиш омили (C) ҳисоблаб топилади:

$$C = (\Sigma X)^2 : N = (65,6)^2 : 20 = 215,17$$

в) квадратларнинг умумий йифиндиси $C_y = (\Sigma X)^2 - C$ формула орқали топилади:

$$C_y = (9,5^2 + 100,2^2 + 8,7^2 + 8,0^2 + 2,8^2 + 3,9^2 + 2,5^2 + 1,6^2 + 5,4^2 + 4,8^2 + 7,2^2 + 6,6^2 + 9,0^2 + 7,2^2 + 8,8^2 + 7,8^2 + 8,7^2 + 8,3^2 + 7,9^2 + 9,5^2) - 215,17 = 1082,16 - 215,17 = -866,99.$$

г) варианлар квадратларининг йифинидси ҳисобланади:

$$C_v = \Sigma V^2 : n - C = (36,4^2 + 10,8^2 + 24,0^2 + 32,8^2 + 34,4^2) : 4 - 215,17 = 854,03$$

д) хато (қолдиқ) лар учун квадратлар йифиндиси:

$$C_z = C_y - C_v = 866,99 - 854,03 = 12,96 \text{ га тенг бўлади.}$$

(Тадқиқотчиларнинг қўлида ҳисоблаш машинаси (микрокалкулятор) бўлса, квадратлар йифиндиси 14-жадвал маълумотлари асосида тўғридан-тўғри ҳисобланади:

$$C = (\Sigma X)^2 : N = (665,6)^2 : 20 = 22151,17$$

$$C_y = \Sigma V^2 - C = (20,5^2 + 19,8^2 + 21,3^2 + 22,0^2 + 32,8^2 + 33,9^2 + 32,5^2 + 31,6^2 + 35,4^2 + 34,8^2 + 37,2^2 + 36,6^2 + 39,0^2 + 37,2^2 + 38,8^2 + 37,8^2 + 38,7^2 + 38,3^2 + 37,9^2 + 39,5^2) - 22151,17 = 866,99$$

$$C_v = \Sigma V^2 : n - C = (83,6^2 + 130,6^2 + 144,0^2 + 152,8^2 + 154,4^2) - 215,17 = 854,03$$

$$C_z = C_y - C_v = 866,99 - 854,03 = 12,96)$$

е) умумий эркинлик даражаси $N-1 \cdot 20 - 1 = 19$ га варианлар эркинлик даражаси $5-1=4$ га, қолдиқ эркинлик даражаси эса $(n-1) (l-1) = (4-1) * (5-1) = 3*4 = 12$ га бўлишини билган ҳолда, ўртача квадратлар (дисперсиялар) ҳисобланади.

$$S_v^2 = C_v / l - 1 \cdot 20 - 1 = 854,03 : 4 = 213,51;$$

$$S^2 = C_z / (n-1) (l-1) = 12,96 : 12 = 1,08;$$

ж) Омилнинг муҳимлиги аниқланади.

7-жадвал

Дисперсион таҳлил жадвали

Дисперсиялар	Квадратлар йифиндиси	Эркинлик даражаси	Ўртача квадрат	Fамалий	Fназарий
Умумий	866,99	19	-	-	-
Такрорликлар	1,73	3	-	-	-
Вариантлар	854,03	4	213,51	197,69	3,26
Қолдиқ (хато)	12,96	12	1,08	-	-

$$F = S_v^2 : S^2 = 213,51 : 1,08 = 197,69$$

$F_{0,05}$ нинг назарий қиймати 3-иловадан (вариантлар дисперсиясининг 4 - эркинлик даражаси ва қолдиқ дисперсиясининг 12 - эркинлик даражалари кесишган нуқта) олинади- 3,26.

$F_{амал} > F_{назарий}$ ёки $197,69 > 3,26$ бўлгани боис нолинчи таҳмин ($H_0: d \neq 0$) инкор этилган ҳисобланади. (Одатда тажрибадан олинадиган натижалар ва назарий натижалар ўртасида фарқ бўлмайди, яъни у 0 га teng бўлади деб фараз қилинади ва у “нолинчи таҳмин” деб юритилади).

з) КМФ_{0,5} қўйидагича ҳисобланади:

$$KM\Phi_{0,5} = t_{0,5} * S_d = t_{0,5} * \sqrt{\frac{2S^2}{n}} = 2,18 \sqrt{\frac{2 * 1,08}{4}} = 1,67 \text{ ц/га.}$$

$$KM\Phi_{0,5} \% = \frac{t_{0,5} * S_d}{x} * 100 = \frac{1,67}{33,3} * 100 = 5,01\% .$$

Тажриба натижаларининг ишончли ёки ишончли эмаслигини кўрсатиш учун олинган маълумотлар жадвалга киритилади ваш у асосда тегишли хulosалар чиқарилади.

8-жадвал

Пахта ҳосилининг якуний таҳлили ц/га

Вариантлар	Ҳосил, ц/га	Стандартлардан оғиш		Гурух
		ц/га	%	
1 (st)	20,9	-	-	st
2	32,7	11,8	56,4	I
3	36,0	15,1	72,2	I
4	38,2	17,3	82,8	I

5	38,6	17,7	84,7	I
КМФ _{0,5}	-	1,67	5,01	-

Хулоса: 2; 3; 4 ва 5 варианлардаги ҳосилдорлик андазадан сезиларли даражада фарқ қиласи, яъни фосфорли ўғит меъенинг ортиб бориши пахта ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

2-мисол: Алмашинувчан калий билан юқори даражада таъминланган тупроқда фосфорли ўғрит меъёларининг пахта ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган дала тажрибаси натижаларини статистик ишилаш талаб этилади.

1-мисолдаги каби ҳосилдорликка оид маълумотларни жадвал (9) га ёзиб оламиз:

9-жадвал

Пахта ҳосилдорлигига оид маълумотлар, ц/га.

Тажриба варианти	Ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га			Такрорликлар бўйича ҳосил, ц/га			
	N	P ₂ O ₅	K ₂ O	1	2	3	4
1	-	-	-	20,5	20,2	22,0	23,3
2	120	-	-	34,8	35,1	36,7	37,0
3	120	45	-	36,5	37,4	37,6	38,1
4	120	90	-	37,8	38,2	38,9	40,3

II. Вариантлар ва такрорликлар бўйича ўртача ҳосил миқдори аниқланади ва жадвалга ёзилади:

2.1) 1-вариант: (20,5+20,2+22,0+23,3):4=21,5 ц/га.

Шу асосда 2; 3; 4 ва 5 варианлардан мос равишда 35,9; 37,4 ва 38,8 ц/га ҳосил олингандиги ва уларнинг йифинди:

$$\Sigma V = 86,0 + 143,6 + 149,6 + 155,2 = 534,4 \text{ бўлиши аниўланади.}$$

2.2) 1-такрорлик: 20,5+34,8+36,5+37,8=129,6 ц

Шу асосда 2; 3 ва 4 такрорликлардаги умумий ҳосил мос равишда 130,9; 135,2 ва 138,7 ц бўлиши аниқланади ва уларнинг йифинди ҳисобланади:

19-жадвал

Вариант ва тарорликлар бўйича йифиндилар ва ўртача кўрсаткичлар, ц/га.

Тажриба варианти	Ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га			Такрорликлар бўйича ҳосил, ц/га				Вариантлар бўйича йифинди	Ўртача
	N	P ₂ O ₅	K ₂ O	1	2	3	4		
1	-	-	-	20,5	20,2	22,0	23,3	86,0	21,5
2	120	-	-	34,8	35,1	36,7	37,0	143,6	35,9

3	120	45	-	36,5	37,4	37,6	38,1	149,6	37,4
4	120	90	-	37,8	38,2	38,9	40,3	155,2	38,8
Такрорликлар бўйича йиғинди				129,6	130,9	135,2	138,7	Хқ534,4	Хқ33,4

$$\Sigma P = 129,6 + 130,9 + 135,2 + 138,7 = 534,4 \text{ ү}$$

$\Sigma V = \Sigma P (534,4 - 534,4)$ бўлиши ҳосилга оид маълумотлар тўғри ҳисобланганлигидан далолат беради.

III. Ўртача натижалар ичидан энг кичик ва энг катта сон таналанади ва шу асосда ўртача натижа ҳисобланади:

$$20 + 40 = 60 : 2 = 30$$

Бу сондаги такрорлик ва варианлардаги ҳосил натижалари айрилади ҳамда “+” ёки “-” ишора билан 10-жадвалга ёзилади.

10-жадвал

Тажриба натижаларининг ўртача натижадан оғиши

Вариант рақами	$X_1 = X - 30$				Σ
	1	2	3	4	
1	-9,5	-9,8	-8,0	-6,7	-34
2	4,8	5,1	6,7	7,0	23,6
3	6,5	7,4	7,6	8,1	29,6
4	7,8	8,2	8,9	10,3	35,2
	9,6	10,9	15,2	18,7	54,4

IV. Оғиш квадратларининг йиғиндиси қўйидаги тартибда ҳисобланади ва олинадиган натижалар дисперсион таҳлил жадвалига киритилади.

а) кузатишларнинг умумий сони топилади:

$$N = 1 * n = 4 * 4 = 16 \text{ та}$$

б) тузатиш омили (C) ҳисоблаб топилади:

$$C = (\Sigma X)^2 : N = (54,4)^2 : 16 = 184,96$$

в) квадратларнинг умумий йиғиндиси C_y қ $(\Sigma X_i)^2$ формула орқали топилади:

$$C_y = (9,5^2 + 9,8^2 + 8,0^2 + 6,7^2 + 4,8^2 + 5,1^2 + 6,7^2 + 7,0^2 + 6,5^2 + 7,4^2 + 7,6^2 + 8,1^2 + 7,8^2 + 8,2^2 + 8,9^2 + 10,3^2) - 184,96 = 971,88 - 184,96 = 786,92.$$

г) варианлар квадратларининг йиғиндиси ҳисобланади:

$$C_v = \Sigma V^2 : n - C = (34,0^2 + 23,6^2 + 29,6^2 + 35,2^2) : 4 - 184,96 = 772,1$$

д) хато (қолдиқ) лар учун квадратлар йиғиндиси:

$$C_z = C_y - (C_v + C_p) = 786,92 - (772,1 + 13,06) = 1,76 \text{ га тенг бўлади.}$$

(микрокалкулятор ёрдамида квадратлар йиғиндисини 19-жадвал маълумотлари асосида тўғридан-тўғри ҳисоблаш мумкин:

$$C = (\Sigma X)^2 : N = (534,4)^2 : 16 = 17848,96$$

$$C_y = \Sigma V^2 - C = (20,5^2 + 20,2^2 + 22,0^2 + 23,3^2 + 34,8^2 + 35,1^2 + 36,7^2 + 37,0^2 + 36,5^2 + 36,5^2 + 37,4^2 + 37,6^2 + 38,1^2 + 37,8^2 + 38,2^2 + 38,9^2 + 40,3^2) - 17848,96 = 786,92$$

$$C_v = \Sigma V^2 : n - C = (86,0^2 + 143,6^2 + 149,6^2 + 155,2^2) - 17848,96 = 772,1$$

$$C_z = C_y - (C_v + C_p) = 786,92 - (772,1 + 13,06) = 1,76$$

е) умумий эркинлик даражаси $N - 1 = 16 - 1 = 15$ га , варианлар эркинлик даражаси $4 - 1 = 3$ га, қолдик эркинлик даражаси эса $(n - 1)(l - 1) = (4 - 1)(4 - 1) = 3 * 3 = 9$ га бўлишини билган ҳолда, ўртача квадратлар (дисперсиялар) ҳисобланади.

$$S_v^2 = C_v/l - 1 = 772,1 : 3 = 257,37;$$

$$S^2 = C_z/(n - 1)(l - 1) = 1,76 : 9 = 0,20;$$

ж) омилнинг муҳимлиги аниқланади.

11-жадвал

Дисперсион таҳлил жадвали

Дисперсиялар	Квадратлар йиғиндиси	Эркинлик даражаси	Ўртача квадрат	$F_{амалий}$	$F_{назарий}$
Умумий	786	15	-	-	-
Такрорликлар	13,0	3	-	-	-
Вариантлар	772,1	3	257,37	197,69	3,26
Қолдик (хато)	1,9	9	0,20	-	-

$$F = S_v^2 : S^2 = 257,37 : 0,20 = 1286,85.$$

F_{05} нинг назарий қиймати 4-иловадан (вариантлар дисперсиясининг 3-эркинлик даражаси ва қолдик дисперсиянинг 9-эркинлик даражалари кесишигандан нуқта) олинади -3,86.

$F_{амалий} > F_{назарий}$ ёки $1286,85 > 3,86$ бўлгани боис нолинчи таҳмин ($H_0: d \leq 0$) инкор эйтлган ҳисобланади. (Одатда тажрибадан олинадиган (амалий) натижалар ва назарий натижалар ўртасида фарқ бўлмайди, яъни у 0 га teng бўлади деб фараз қилинади ва у “нолинчи таҳмин” деб юритилади).

з) КМФ_{0,5} қўйидагича ҳисобланади:

$$KM\Phi_{0,5} = t_{05} * S_d = 2,26 * 0,32 = 0,72 \text{ ц/га.}$$

$$KM\Phi_{0,5}\% = (t_{05} * S_d / x) * 100 = 0,72 / 33,4 * 100 = 2,16 \%$$

Тажриба натижаларининг ишончли ёки ишончли эмаслигини кўрсатиш учун олинган маълумотлар жадвалга киритилади ва шу асосда тегишли хulosалар чиқарилади.

12-жадвал

Пахта ҳосилининг яқуний таҳлил ц/га

Вариантлар	Ҳосил, ц/га	Стандартлардан оғишиш		Гурӯҳ
		ц/га	%	
1 (st)	21,5	-	-	st
2	35,9	14,4	67,0	I
3	37,4	15,9	73,9	I
4	38,8	17,3	80,5	I
KM\Phi_{0,5}	-	0,72	2,16	-

Хулоса: 2; 3; ва 4 вариантлардаги ҳосилдорлик андазадан сезиларли даражада фарқ қиласида, яъни калий билан юқори даражада таъминланган тупроқларда

фосфорли ўғит мөйөрининг ортиб бориши пахта ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Билимингизни синаб кўринг

1. Вегетация ва дала тажрибаларида учрайдиган хатоликлар тўғрисида маълумот беринг.
2. Тасодифий хатолар қандай юзага келади ва улар қандай бартарф этилади?
3. Қайси ҳолларда тизимли хатолар юзага келади?
4. Қўпол хатоларга мисоллар келтира оласизми?
5. Ўртача хато қиймати нималарга боғлиқ бўлади?
6. Андазавий оғиш (S) нима ва у қайси омилларга боғлиқ равишда ўзгаради?
7. Тажрибадаги ўртача арифметик қиймат (X) қандай ҳисоблаб топилади?
8. Тажриба дисперсияси (S^2) нималарга боғлиқ ва у қандай ҳисоблаб топилади?
9. Вариация коэффициентини ҳисоблай оласизми?
10. Тажрибанинг ҳаққонийлиги деганда нимани тушунасиз?
11. КМФ нимани ифодалайди?
12. КМФ нинг катталиги нимага боғлиқ ва ундан қандай фойдаланилади?

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Ф.А. Юдин “Агрокимёвий изланиш усуллари” Москва 1988 ва бошқалар (рус тилида)
2. В.Н. Ефимов, В.Г. Калиниченко, М.Л. Горлова “ Агрокимёвий ўқув амалиёти қўлланмаси” Ленинград 1979,1988(рус тилида)
3. “Сугориладиган ерларда ғўза билан ўтказиладиган дала ва вегетацион тажрибалар усули” Мухаррирлар колективи: М.А. Белоусов, И.М. Мадраимов, З.С. Турсунходжаев ва бошқалар.
4. Б.С. Мусаев “Тажриба ишлари услубиёти” (Ўқув қўлланма) Тошкент 1995 й
5. С.Содиков “Агрокимёвий текшириш усуллари” (Ўқув қўлланма) Тошкент 1996й
6. Агрокимёвий текшириш усуллари Тошкент 2004й (Маъруза матни)
7. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта М., «КОЛОС», 1979
8. Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником в условиях орошения. 4-е издание под ред. Белоусова М.А. Ташкент СаюзНИХИ , 1973.

5 – машғұлотнинг давоми
Дала тажриба натижаларини статистик таҳлиллари
(Перегудов В. И. бўйича).

Худди ўша мисолни оламиз.

1. Хосил маълумотларидан 8- жадвал тузилди.

Унга маълумот, агар хосил 100 ц/га дан ошмаса, 0.1 аниқлик билан, агар юзлаб центнердан иборат бўлса, 1 ц аниқлик билан киритилган. Умумий маълумот куйидагидан иборат: сонларнинг асосий қисми уч хонали бўлиши керак. Агар алоҳида майдон хосили икки хонали бутун сон билан ифодаланса, уни охирига вергулдан кейин нульёзиб кўйиш керак. Мисол 28 ўрнига 28.0. Бу маскур сон 1 гектарга 0.1 ц аниқлик билан хисобланганлигини билдиради.

2. Йигиндилар хисобланади: тажриба варианtlари (S) , такрорлашлар (P) ва умумий сумма (Q); Охирги миқдор текшириш учун икки марта (S) лар ва (P) лар йигиндиси сифатида хисобланади.

8 Жадвал

Пахта хом ашёси

Вариантлар	Такрорлашлар				S	Ўртача
	1	2	3	4		
Назорат (ўғитсиз)	20.5	20.2	22.0	23.3	86.0	21.5
N -120	34.8	35.1	36.7	37.0	143.6	35.9
N-120 P ₂ O ₅ - 45	36.5	37.4	37.6	38.1	149.6	37.4
N-120 P ₂ O ₅ - 95	37.8	38.2	38.9	40.3	155.2	38.8
P	129.6	130.9	135.2	138.7	Q=534.4	M=33.4

3. Вариантлар бўйича ўртача, S нинг маълум миқдорини такрорлашлар сони п га бўлиш орқали топилади. Ўртачалар худди шунака хонали сонлар билан ёзилади. Яхлитлаш керак бўлса: 1, 2,3 ва 4 шундок ташланиб кетилади, 5,6,7,8 ва 9 ўзидан олдинги сонди 1 кўшилиб ёзилади.

4. Эркин бошлангич миқдор (a) танланади, бу қулайлик учун яхлитланган 8 жадвалнинг максимал ва минимал сонларининг ўртасаси қилиб олинади.

Бизнинг мисолимизда a= (20.0+40.0)/2=30. Кейинчалик а дан хосиллар фарқини кўрсатувчи 9 жадвал тузилади; агар миқдор а дан кичик бўлса, минус белгиси билан ёзилади.

5. 8- Жадвалдаги каби S, P ва Q лар хисобланади, бунда миқдорлар белгиси хам хисобга олинади. Бу ерда текширишни амалга ошириш мумкин, агар

(9 жадвал) S ва P га, эркин бошлангич миқдор (a) ни, n(такрорлашлар) ва m (вариантлар сони)ни кўпайтириб, кўшса мос равища (8 жадвал)нинг S ва P ни топиш мумкин. Мисол учун бизда вариантда “назорат” 30*4-34=86. Агар тенглик бузилган бўлса, унда 9 жадвалнинг керакли жойида ўзгартришни амалга ошириш керак.

6. 10 жадвал тузилиб, унда 9 жадвалнинг сонлари квадратлари мос равища киритилади (мусбат ва манфий сонлар квадратлари).

7. Майдонлар хосили силжиши квадратлари миқдори устун бўйича йигиб чиқилади. ($\sum y^2$ қатори 10 жадвалда), улар хам ўз навбатида йигиб чиқилиб умумий йигинди аниқланади. Бизда $\sum y^2 = 971.9$ га teng. Худди шу тартибда S^2 йигилади ва $\sum S^2 = 3828.2$ топилади хамда $P^2 = 791.7$ топилади.

9 Жадвал

Эркин бошлангич миқдордан силжиши

Тажриба вариантлари	Такрорланишлар				S
	1	2	3	4	
Назорат (ўғитсиз)	-9.5	-9.8	-8.0	-6.7	-34.0
N -120	4.8	5.1	6.7	7.0	23.6
N-120 P ₂ O ₅ -45	6.5	7.4	7.6	8.1	29.6
N-120 P ₂ O ₅ -95	7.8	8.2	8.9	10.3	35.2
P	9.6	10.9	15.2	18.7	Q=54.4

Қўшимча Бу хисоблашларни текширишнинг ягона йўли, бу қайтариб икки марта бажариб натижаларни солиштириш. Буни икки одам хисоблаб кейин солиштириши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу босқичда текширишни амалга ошириш шубҳасиз мухим хисобланади, чунки арзимаган хато кейинги хисоблашларни ўзгартриб юбориши мумкин.

10 Жадвал

Эркин бошлангич миқдордан силжишлар квадратлари

Тажриба вариантлари	Такрорланишлар				S^2
	1	2	3	4	

Назорат (ўғитсиз)	90.3	96.0	64.0	44.9	1156.0
N -120	23.0	26.0	44.9	49.0	557.0
N-120 P ₂ O ₅ -45	42.3	54.8	57.8	65.6	876.2
N-120 P ₂ O ₅ -95	60.8	67.2	79.2	106.1	1239.0
$\sum p^2$	92.2	118.8	231.0	349.7	791.7
$\sum y^2$	216.4	244.0	245.9	265.6	971.9

$$Q^2=54.4^2=2959.4$$

8. Олинган натижалар қуидаги тартибда ёзіб чиқлади:

$$Q^2=2959.4$$

$$nm=16 \sum y^2 = 971.9$$

$$Q^2/nm=184.9$$

$$n=4 \sum p^2 = 791.7$$

$$Q^2/n=739.8$$

$$m=4 \sum S^2 = 3828.2$$

$$Q^2/m=739.8$$

Кейинги хисоблашлар қуидаги формулалар ёрдамида амалга оширилади:

$$\sum y^2 - (Q^2 / nm) = 971.9 - 184.9 = 787, \text{ (Эркин хадлар } nm-1=15).$$

Тақрорлашлар квадрати суммаси

$$\sum p^2 - (Q^2 / n) / m = (791.7 - 739.8) / 4 = 13.0 \text{ (Эркин хадлар } n-1=3).$$

Вариантлар квадрати суммаси

$$\sum S^2 - (Q^2 / m) / n = (3828.2 - 739.8) / 4 = 772.1 \text{ (Эркин хадлар } n-1=3).$$

9. Дисперсион анализ жадвали тузилиб, унинг биринчи уч сатрига хозиргина хисобланган миқдорлар киритилади; охирги түртінчи сатрни биринчидан қолған иккі сатрни айириб топамиз. Ўртача квадрат фақатгина “қолдик” сатри бүйіча топилади ва уни мос квадратлар суммасини эркин хадлар даражасы сонига нисбетінде күренишида аникланади.

11 Жадвал

Дисперсион анализ жадвали

Дисперсия тури	Эркинлик даражаси	Квадратлар суммаси	Ўртача квадрат
Умумий	15	787.0	
Тақрорланиш	3	13.0	
Вариантлар	3	772.1	0.21=σ ²
Қолдик	9	1.9	

10. $\sigma^2(1.9/9)=0.21$ (ўртача квадрат қолдиги)дан квадрат илдиз олинади. Бизнинг мисолда $\sigma = \sqrt{0.21} = 0.46$ ц.

11. Энди тажриба аниклигига умумий характеристика берилади. σ (ўртача квадратик силжиш) ўртача бутун тажрибада ягона майдон хатолигининг характеристикасы хисобланади. Кейинчалик $\sigma / \sqrt{n} = E$ формула билан ўртача хосил хатолиги топилади.(шунингдек бутун тажриба бүйіча ўртачада хам)

σ ва E миқдорларнинг бутун тажриба умумий ўртачасидаги M улуши процентда берилади. Бу

$$V = \frac{100\sigma}{M} \text{ вариация коэффиценти}$$

$$P = \frac{100E}{M} \text{ тажриба аниклигі}$$

Бизда $\sigma=0.46$ ц 1 гектарға.

$$V = \frac{100\sigma}{M} = \frac{0.46 * 100}{33.4} = 1.4\% \quad E = \frac{\sigma}{\sqrt{n}} = \frac{0.46}{\sqrt{33.4}} = 0.23 \text{ ц/га}$$

$$P = \frac{100E}{M} = \frac{100 * 0.23}{33.4} = 0.7\%$$

Тажриба аниклиги худи Соколов бүйіча хисобланғандай, тажриба хатолиги эса бирмұнча кам чиқди. Турли ариантлар ўртачалари орасидаги фарқнинг хаққонийлигини бағолаш учун, бу фарқни 3Е билан солиштириш керак. Агар фарқ 3Е дан ошса, демек у 0.95 әхтимоли билан хаққоний, агар 3 Е дан кам бўлса, у тажриба хатолиги оралиғида жойлашади. Бизнинг мисолда солиштирилаётган вариантылар орасидаги энг кичик фарқ 3Е дан катта бўлади (38.8-37.4=1.4 ц). Шундай килиб, тажрибанинг ихтиёрий вариантылар орасидаги фарқнинг хаққонийлиги исботланди.

Саволлар:

1- Машғулот.

1. Қайси ҳолларда ўғитлар устида сифат реакциялари ўтказилади?
2. Минерал ўғитларни фарқлаш оеакцияларининг моҳиятини биласизми?
3. Ўғитлар таҳлилида NaOH , BaCl_2 ва AgNO_3 тузларининг эритмалари нима мақсадда ишлатилади?

2 – машғулот.

1. Тупроқ таркибидаги умумий азот миқдорини Къелдаль усулида аниқлашнинг моҳияти нимада?

2. Таҳлилда қандай реактивлар қўлланилади?
3. Аммиакни ҳайдаш аппарати қандай қисмлардан ташкил топган?

3 – машғулот.

1. В.В.Церлингнинг тезкор (экспресс) усулида таҳлил қандай амалга оширилади?
2. Нитратлар, фосфатлар ва калийни аниқлашда қайси реактивлардан фойдаланилади?
3. В.В.Церлинг усулининг моҳиятини биласизми?

4 – машғулот.

1. Типик ва бўз тупроқларда асосий ўғитлар (NPK) турлари неча далали схемаларда амалга оширилади?
2. Ўғитларнинг турларини ўрганиш қандай схема бўйича амалга оширилади?
3. Даля тажрибаларини жойлаштириш ва ўтказиш техникасини тушунтириб беринг?
4. Даля тажрибаларида қайси ҳолларда 2-4 ва қайси ҳолларда 6-8 такрорликлар қўлланилади?

1. Вегетация тажрибасининг моҳияти нимадан иборат?
2. Вегетация тажрибаларида азот, фосфор ва калий қандай дозаларда берилади?
3. Вегетация тажрибалари неча такрорликда амалга оширилади?
4. Лизиметр тажрибаси деганда нимани тушунасиз?
5. Тупроқ билан тўлдирилишига кўра лизиметрлар нечта турга бўлинади?
6. Бетон ёки гиштдан тайёрланадиган лизиметрлар тўғрисида тушунча беринг?

5 – машғулот.

1. Тасодифий хатолар қандай юзага келади ва улар қандай бартараф этилади?
2. Қайси холларда тизимли хатолар юзага келади?
3. Қўпол хатоларга мисоллар келтира оласизми?
4. Ўртача хато қиймати нималарга боғлиқ бўлади?

6 – машғулот.

1. Вегетация тажрибасининг моҳияти нимадан иборат?
2. Вегетация тажрибаларида азот, фосфор ва калий қандай дозаларда берилади?
3. Вегетация тажрибалари неча такрорликда амалга оширилади?
4. Лизиметр тажрибаси деганда нимани тушунасиз?
5. Тупроқ билан тўлдирилишига кўра лизиметрлар нечта турга бўлинади?
6. Бетон ёки ғиштдан тайёрланадиган лизиметрлар тўғрисида тушунча беринг?

